

## Сутини совитиш учун сувга чўкиб ўтирган туя



17:00 / 30.08.2022 2834

**Расмга олган киши айтяпти:** “Сувга чўкиб олиб, сўнг ўрнидан туриб, дарҳол бўталоғини эмизган туяни кузатиб турдим. Унинг ҳаракатидан ҳайрон бўлдим. Туянинг эгасидан бунинг сабабини сўрасам, у шундай деди: “Туя сувга чўкиб ўтирганда, боласи учун сутни совутаётган бўлади. Кейин бўталоғини эмизиш учун ўрнидан туради. Шундай юқори ҳароратда сути муздек бўлади”.

Субҳаналлоҳ! Буни қаранг, иссиқ ҳавода боласига муздек сут беришни туяга ким ўргатди экан?!

Барча жонзотлар қатори, туяга оналик туйғусини ким ато этди экан?!

Сут муздек бўлиши учун муздек сувга чўкиб туриш кераклигини туяга ким таълим берди экан?!

Албатта, барча жонзотларга, шу жумладан, туяга ҳам оналик туйғусини ато этган зот — Аллоҳ таолодир!

Албатта, туяга юқорида айтилган ва айтилмаган кўплаб хусусиятларни ато этган зот — Аллоҳ таолодир!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

**“Назар солмасмилар туянинг қандай яратилганига...”** (*Фошия сураси, 17-оят*).

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин, гуноҳларимизни мағфират айлаб, хотимамизни чиройли қилсин!

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**